



Нефть ва газга қон ўлка



„ЗАНГОРИ ОЛОВ“

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ катта бойликларидан бири унинг бағридан топишган табиий газ ва нефтьдир. Геологларимиз, разведкачиларимизнинг кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишлари, қидиришлари зое кетмади. 1954 йилда Бухоро-Хевада — Саталантепада газ фонтани отилиб чиқди. Шундан сўнг бирин-кетин бир неча газ конлари очилди. Гигант Газли кони белгиланди, унинг бағрида яширилган қимматбаҳо табиий газнинг запаси аниқланди. Запас 500 миллиард кубометрдан ҳам ошиб бўлиб чиқди.

Бундан 10 йил муқаддам ҳеч ким ўйламаган ҳол рўй берди. «Оқ олтин»га бой республикамиз, зангори олов — газга қон ўлкага айланди. Бу хазинани совет кишии тоғди ва уни фаровон ҳаёт учун ишга солишга шайланди.

Катта режалар тузилди бошланди. Саноат ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида мўъжизалар яратилди. Қодир «зангори олов»дан қардош совет халқлари билан баҳамжиҳат фойдаланиш режалари тузилди.

Бутун Ўрта Осиё республикаларига, Қозғонистонга ва индустриал Уралга ўзбек халқи диёрининг оғанин бағридан чиққан «зангори олов»ни узатиш мўъжизаланди.

Натижада Бухоро обласидан бу томонга яннат газ қувурлари ўрнатилди ишлари жалла бошланди. Ўзлат трассалар ичида умумий узунлиги 4000 километрдан ортиқ 2 тармоқли, дунёда ягона Бухоро-Урал газ қувурлари аниқсиз диққатга сазовордир. Бу трассани қуришга Ўзбекистон халқи, Уралдан, Сибирдан, Татаристондан келган ватанпарвар ишчилар — бутун совет халқи отланди.

Узининг катталиги билан Бухоро-Урал трансконтинентал газ қувури деб ном олган бу грасса бўйлаб ҳар йили 20 миллиард кубометр янадан газ мўътазаам равишда оқмоғи керак. Бунчалик газнинг энергетик қудрати гоятда катта. У 3 та «Халқлар дўстлиги» ЎЗСининг қудратига барабар.

1957-1958 йилларда яхши ният билан режалар тузилган экан, нефть ва газ қидирувчиларга Бухоро-Хеванинг беёён йилловларида республикамизнинг бошқа районларида қидириш ишларини жадал олиб бориш ҳамда катта конларни, нефть ва газ ҳавзаларини топиш каби масъулиятли вазифалар юкланди.

ИЛМИЙ МАРКАЗ

МАЪЛУМКИ, нефть ва газ конларини топишда, разведка-қидириш ишларини амалга оширишда, унинг бутунги кунини ва эртанги истиқболини бритаб беришда илмий-тадқиқот ишлари, энг аввало нефть ва газ геологияси ва разведкаси соҳасидаги фаннинг ривожланиши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун 1957 йилда Бутун-иттифоқ геология бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Компартияси ва ҳукуматининг тақлифи билан Тошкентда Бутун-иттифоқ нефть институтининг Ўзбекистон филиали очилди. Кўп ўнла нефть ва газ геологияси ва унинг конларини ишга солиш институтини ташкил этилди.



Илмий ходим Х. Авазатов қатламлардаги нефть ва газ қолдиқларини текшириб кўришда.

Тошкентнинг Шота Руставели кўчасида институт учун бино қурила бошланди.

Институт даставвал Тошкентнинг турли жойларида иш олиб борди. Илмий муассаса ишга тушган, нефть ва газ геологияси, разведкаси соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ишлари кенг авж олди. Шу билан бирга бу ерга мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан тажрибали нефть ва газчи олимлар тақлиф этилди.

1960 йилда институт бинолари битди. Нефть ва газ геологияси ва разведкаси фанининг зарур соҳалари билан шуғулланувчи лабораториялар очилди.

Ҳаммадан ҳам қувончлиси шунки, бу лабораториялар малакали ва тажрибали мутахассислар билан етарли таъминланди. Ҳозир институтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан институтга ўтган палеогеография лабораториясининг бошлиғи, профессор А. Бабаев, кенсга геолог, нефть қаватларининг ёшнини белгилайдиган мутахассис, фанлар кандидати Н. Минянова, Татаристондан келган, тош қатламларда органик моддаларни ва нефтьда ўхшаш бирикмалар — битумларни белгилайдиган мутахассис, фанлар кандидати А. Каримов, Туркманистон нефть ва газ конларини текширишда чиниққан геохимия, геохимия лабораториясини бошқарувчи И. Старобинец, Москвадан келган, чуқур ва чуқур парма қаваклар қазниш технологиясини бўйича мутахассис С. Мамажонов ва бошқа юқори малакали мутахассислар самарали меҳнат қилишляпти.

Институтда нефть қаватларининг тарихий тузилишини ўрганадиган литология ва петрография лабораториялари, қатламлардаги нефть ва газ запасини белгилашда зарур бўладиган парамастрлар, нефть ва газ конларни қидириш ва топиш методларини белгилаб берадиган лабораториялар ишга тушди. Парма қавак қазнишда гоят зарур бўладиган гил эритмалар лабораторияси ҳам очилди.

Бу лабораторияларда ҳали еш, аммо талантли олимлардан З. Иброҳимов, М. Эгамбердиев, М. Туропов ва бошқалар мураккаб илмий текшириш ишларини олиб боришляпти.



Сиз бу суратда институтнинг директори, профессор О. Акрамхўжаевни (чапдан биринчи) илмий ходимлар ўртасида кўриб турибсиз.

Олимлар атрофига ишчан илмий ходимлар тўпланди. Натижада нефть ва газ геологияси ва разведкаси соҳасидаги илмий ишларни кўзда тутган темалар муваффақият билан бажарила бошланди.

Институт ўз фаолиятини асосан қуйидаги 3 та катта илмий проблемалар бўйича олиб боришти. Шулардан бири нефть ва газ конларининг республикамиз ерлари бағрида пайдо бўлиши ва тарқалиш қонуналирини белгилаш проблемасидир. Нефть ва газ конларни қидириш ва разведка қилишда янги методикаларни тақлиф қилиш проблемаси ҳам илмий фаолиятимизнинг асосини ташкил этиди. Чуқур ва ўта чуқур парма қавак қазниш технологиясини яратиш проблемаси билан ҳам жиддий шуғулланилмоқда.

Маъмур проблемаларни ҳал қилишда институт коллективи дастлаб Фарғона ва Бухоро-Хева нефть ва газ ҳавзаларида иш олиб борди. Кейинчалик Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг воёйлариде, Устюрт ва Қизилқум ҳўлариде, Зарафшон водийси, Хисор ва Олой тоғларида, худлас республикамизнинг ҳамма бурчақларида илмий-тектириш ишлари қизитиб юборилди. Қисқа вақт ичида маълум ютуқларга эришилди.

ЯНГИ ХАЗИНАЛАР

ФАРҒОНА водийси республикамизнинг эски нефть ҳазинаси. Унда кейинги вақтларда нефть ва газ тўпланиши учун қулай структуралар қамайиб қолди. Демак, янги қулай зоналарни белгилаш керак эди. Нефть ва газ ҳосили қиладиган қатламларнинг жойланиши ва уларнинг махсус литология ва тектоник уюмларининг қайси районларда ва қайси қатламларда бўлиши мумкин эканлиги ҳақида фикрлар юритилди. Прогноз нарталар тузилди. Бу ишлар Фарғона разведкачилари ва нефтьчилари билан ҳамкорликда олиб борилди.

Кўрсатилган зоналарда, масалан, Шимолий ва ғарбий-жанубий Фарғона зоналарида литология ва тектоник тилидаги нефть ва газ конлари топилади. Бу билан илмий прогноз амалий ҳақиқатга айланди.

Аммо, булар маълум даражада кичик конлар бўлиб, Фарғона нефтьчиларини қониқтири олмас эди.

Илмий-тадқиқот ишлари, геофизика ва олиб борилган қидирув ишларининг яқини шуни кўрсатдики, Фарғонада нефть ва газнинг катта конларини шимолий Фарғона зонасида ястаниб ётган беёён адирларнинг чуқур бағридан топса бўлади. Бу структуралардан фақат 3,5-5 километр чуқурликда парма қаваклар қазниш йўли билан топиш мумкин.

Бу назарий фикр кейинги вақтларда олиб борилган разведка ишлари билан тағин ривожланди. Биринчи парма қавакларда нефть отилиб чиқди.

Ҳозир бу адирларда нефть ва газ топиш учун қулай зоналар белгилаиб, кенг қўламда разведка ишлари олиб борилмоқда. Ишонимизки, Фарғона водийси яқин келажакда ўзининг газини, айниқса янги нефть конлари билан яна ўз шухратини тикляйди.

БУХОРО-ХЕВА газ ҳазинасида топишган 30 га яқин газ ва нефть конларининг ҳаммаси маълум қулай зоналарда жойлашган. Буларнинг бири Қарши чўлининг бағридан бошланиб Бухоро ва Рометон йилловлари орқали ғарбий-жанубий томонга, иккинчиси Амударё ёқалаб Хева воҳдаларига чўлиб боради.

Шу икки зонанинг ўртасидаги Қорақўл орғалинда ҳам нефть ва газ тўпланиши учун қулай зоналар бор деган хулосага келинган эди. Прогнозлар Бухоро-Хева ҳазинасидаги газ ва нефть конлари ҳали топилмаган вақтлардаёқ институт ходимлари ва Ўзбекистон геология бошқармасининг разведкачилари томонидан айтилганди. Бу қимматли прогнозлар тасдиқланди. Бухоро-Хевада ўнлаб газ ва нефть конлари очилди, уларнинг ичида гигант Газли кони, айниқса дунёга машҳур бўлди.

Институт ходимлари бу билан чеklangиб қолмадилар, албатта. Улар топишган конларни разведка қилишда қулай, катта маблаг тежашга имкон берадиган усуллар тақлиф қилдилар. Ана шу тақлифлар разведкачилар томонидан қўллаб-қувватланди ва хозирда Бухоро-Хева газчи-нефтьчиларининг ишида татбиқ қилинмоқда.

Илмий кузатишлар натижасида Қашқадарё ва Хисор этаклари бағрида ҳам нефть ва газга қулай, айни вақтда разведка ва қидириш ишларини ўтказиш учун керак бўлган районлар белгилаб берилди. Бу ерда катта конлардан бўлган Одамтош газ кони топилади.

Янги коннинг топилиши билан Қашқадарё ҳазинаси, Хисор тоғлари ва қўшни Сурхондарё ерлари бағрида бир неча миң метр чуқурликда нефть ва газга нисбатан қулай қатламлар борлиғи исбот этилди.

Масала шундаки, Сурхондарё области ҳам Фарғона водийси каби республикамизнинг эски нефть ҳавзаларидан бири. Аммо, бу ерда нефть ер юзига яқин еш палеоген ётқизилардан топишган кичик конлардан олинган эди. Хисор тоғлари эстагида катта Одамтош конининг топилиши қўшни Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзалари бағрида яна ҳам чуқур ва қари қатламларнинг (булар бур ва юра давр қатламларидир) нефть ва газга нисбатан истиқболини ошириб юборди. Шунинг учун бу ерда геология ва қидириш ишларини кузатиш шалдаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Бизнинг институт Қорақалпоғистон, Қозғонистон ва Туркманистон ерларининг аичиниға қисминини ўз ичиға олган беёён Устюртда нефть ва газ геологияси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини биринчи бўлиб бошлаб берди. Даставвал, Устюртнинг атрофини ўраб олган тик чинқлардан очилиб қолган қаватларни ўрганиш асосида ўтказилган геологик ва геофизик тадқиқотларга яқин ясалди. Шу йўл билан гоятда катта майдоннинг нефть ва газга

нисбатан истиқболи порлоқ эканлиғи ҳақида фикр айтилди.

Шундан сўнг геология, геофизика ва разведка ишлари қизиқ кетди. Институтда чуқур ер остидан олиб чиқилган тош парчалар — корраларнинг тарихий тузилиши, улардаги органик қолдиқлар ва битумларнинг ҳамда нефть ва газ ўрниниш учун қулай галвон қаватлар аниқланди. Устюрт бағрининг «сирларини» ошкор бўла бошланди. Бухоро ва Хева ҳазинаси каби нефть ва газ конларининг пайдо бўлиши учун қулай бир қанча катта ер ости зоналари белгиланди. Булар: 4000-5000 метр қалинликдаги нефть ёки газ бўлиши мумкин бўлган чўкинди жинсларга ўла шимолий Устюрт ва жанубий Устюрт ҳавзалари эди. Марказий Устюрт баландлигининг ҳар икки ёнида жойлашган қаватлар ҳам шулар қаторига кирлади.

Ўзбекистон геология бошқармаси, Ўрта Осиё Халқ хўжалик кенгаши ходимлари ва Москва, Ленинград олимлари билан ҳамкорликда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ўз самарасини берди.

Устюртда белгилашган катта ҳавзаларнинг қайси ерларида биринчи навбатда разведка ишлари олиб бориш керак, деган савол қўндаланг бўлиб қолди.

Биринчи навбат объектлар шимолий Устюрт ҳазинасидаги Борса келмас боғиғида, жанубий Устюртда Асқадан боғиғида ва марказий Устюртнинг ҳар икки қий ёнбағрида дреб белгиланди. Шу қуларда бу объектларда разведка ишлари қилиб кетган. Улар орқали назарий фикрлар тасдиқланмоқда. Ишонимизки, яқин келажакда Устюрт мамлакатимизнинг яна бир катта нефть ва газ ҳазинасига айланса.

Институтнинг бир группа олимлари разведкачилар учун гоятда зарур бўлган чуқур парма қавакларни қазниш технологиясини бўйича иш олиб боришмоқда. Улар парма қавак қаватларида зарур бўладиган гил эритмаларининг рецептураларини ишлаб чиқиш каби бир қанча илмий темалар устида ишлашляпти.

ИНСТИТУТНИНГ фаолияти тўғрисида гап кетаётган экан, илмий кадрлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Институт ташкил этилган дастлабки кунларда илмий муассасада 100-110 хизматчи ишлар шулардан фақат бир киши фанлар доктори ва 5-6 киши фанлар кандидати эди. Ҳозирги кунда институтда 320 киши ишляйди. Улар орасида 2 фан доктори ва 30 фан кандидати бор. Шунинг қувонч билан қайд қилиш мумкинки, юқори малакали кадрларни тайёрлашда институтимиздаги тажрибали олимлар катта меҳнат сарфляптилар.

Яқин тўрт-беш йил ичида институтимизда фан докторлари 6-7 кишига, фан кандидатлари эса 40-45 кишига етади.

АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

БИЗ юқорида институтимиз коллективининг илмий ишларидаги асосий ютуқларини умумий тарзда кўрсатдик. Аммо, институтимиз ишларида ва умуман республикамизда, олиб борилаётган нефть ва газ конларининг геологияси, разведкаси ва уларни ишга солиш соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ривожланишида ҳали ҳам кўпгина камчиликлар бор.

Шуни айтиш керакки, ҳозирда ҳам олимлар билан ишлаб чиқариш ходимлари — нефть-разведкачилар ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган эмас. Қўйинча институтда ҳам, Ўзбекистон геология бошқармасининг тематик партияларида ҳам тема жиҳатидан бир хил илмий ишлар олиб борилди. Биз, бу билан ишлаб чиқаришда тематик илмий ишлар қилинмасин демоқчи эмасмиз. Айрим ҳолларда бундай ишлар баъзи оператив ма

салаҳарни тезликда ҳал этиш учун ёрдам бериши мумкин.

Бироқ, бу ишлар республикамизда нефть ва газ геологияси ва разведкаси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бажариётган институт бундан ҳамкорликда, шу муассаса юқори малакали мутахассисларининг илмий ва меҳнатий раҳбарлигида ташкил этилса янги бўлмасди.

Илмий муассасалардаги тадқиқотлар тематик ва объект жиҳатидан бир-бирини қайтармаслиғи лозим. Акс ҳолда маблаглар орғини ва керакмас сарф бўлади.

Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетлари ана шундай нуқсонларни бартараф этадиган йирик мэрвадир. Афсуски, республикамизда ҳаттоки Тошкентда илмий ишларни координациялашда ҳали жиядий камчиликлар бор.

Масалан, Тошкентда нефть ва газ конларининг геологияси ва уларни ишга солиш институтида ҳамда Бутун-иттифоқ газ илмий-тектириш институтининг Ўрта Осиё филиалида нефть ва газ геологияси, гидрогеологияси, геохимияси, разведкаси ва парма қавак қазниш технологияси каби темаларда бир-бирига ўхшаш ёки қичи илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳол ҳам маблагларни тежашга ва малакали мутахассислардан тўғри фойдаланишга зарар етказиши, албатта.

Партия ва ҳукуматимиз илмий-тадқиқот ишларига ва фаннинг юксалишига ҳамма вақт катта ғамхўрлик кўрсатляпти. Яқинда Тошкентда Ўзбекистон партия ташкилотларининг айтили бўлиб ўтди. Ақтида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш ва малакали кадрларни тайёрлашни яхшилаш масалалари муҳокама этилди ва фойдалан қарор қабул қилинди.

Ақтида илмий-тектириш ишларида параллелизмни тугатиш ва илмий ишлар савиясини ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун махсус соҳалар бўйича мутахассислашган илмий-тектириш институтиларини ташкил этиш масаласи ҳам алоҳида ағтибор берилди.

Нефть ва газ соҳасидаги илмий ишларда ҳам оқилона иш тутиш вақти келиб етди. Бунинг учун нефть ва газ конларининг геологияси ва уларни ишга солиш институтининг ючунки нефть ва газ конларининг геологияси ва разведкаси институти деб атаб, уни республикамиздаги, кейинчалик эса бутун Ўрта Осиё виқинидаги нефть ва газ конларининг геологияси, гидрогеологияси, геохимияси, разведкаси ва чуқур парма қаваклар қазниш технологиясини соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини марказлаштирадиган йирик илмий муассасага айлантириш лозим.

Нефть ва газ конларини ишга солиш, табиий газни ташини, сақлаш ва шунга ўхшаш соҳаларни бирлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ана шу масалалар билан шуғулланаётган Бутуниттифоқ газ илмий-тектириш институтининг Тошкентдаги Ўрта Осиё филиали базасида



Институтнинг марказий биноси.

ихтисослашган катта институт ташкил этиш зарур. Шундангина нефть ва газ конларни топиш ва ишлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларидаги параллелизм ҳўқолади.

Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш республика Давлат Комитети ҳамда Ўрта Осиё республикаларида геология-разведка ишларини ва илмий-тадқиқотларни координация қилиш совети бу соҳада тегишли тадбирларни амалга оширадидлар деб ўйлаймиз.

О. АКРОМХЎЖАЕВ,

Нефть ва газ конлари геологияси ва уларни ишга солиш институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор.



Геохимия лабораториясининг мудир И. Старобинец аспирант Д. Сирожидинов билан нефтьнинг оптик хусусиятларини белгилашляпти.

КАФЕГА МАРҲАМАТ

Бир ерда мазаги овқат есагина, ошпага тасанно ўқийсиз. Яна қачон бу мазаги овқатни бу ерда овқатланганини оғузи биласиз.

Пойтахтдаги «Москва» кафе-ресторанига юрғун киши лавазимли овқатлардан тамадди қилиб, мамну бўлади. Ҳа, бу ерда ишлаётган ошпагалар ўз ҳунарларини алга манзур қилишга, бу коллективнинг Тошкент ресторанига трести қилиб бйроғини қўлдан бермай келаётганини ҳам бечиз эмас.

«Москва» кафе-ресторани коллективларида яна бир аjoyиб иш бошлади. Ленин кўчасининг хушмайлара музолишида ресторан филиали — ҳам киши, ҳам ёғи ойна-тўртта ҳолодликни қурилмаси чан-қасанга сув билан, нисбатан кел-санга морожено билан таъминлади киши. «Снежен» номли бу кафе суттин овқатлар, нақо, кофе, сосиса, мюстлер махсулотлари билан савдо қилади. Бу ерда хизмат қил-ляётган М. Богданова, М. Горослав ва бошқалар хўрадаларини ис-ти-тирмоқ билан қарши олади. Кафе-да бир пула 80 киши овқатланши мумкин.

— Биз меҳнатқашларнинг маза-ни маънавий талабларини ҳар томон-лама қондиришга ҳарият қиламиз, — дейди «Москва» кафе-ресторани директори Маъмур Қўшонов, Луғна ҳамда Вирунги кўчаларида қуриляёт.


ган кафеда ҳам энг яхши ошпа-ларнинг ишлайди. Бешёгон кўчасида ярим фабрикалар билан савдо қи-лувчи махсус магазини ишга тушири-лади. Шундай қилиб, хотин-қизларининг уй ишлари яна ҳам енги-лашади.

Бизда фахрланса арзийдиган ан-чагина ишлар қилинди. Собир Наз-ров, Зайниддин Турсунов, Михаил Зегидбауи каби коммунистлик меҳнат бригадаларининг моҳир пазандалари хўрадалар олтишга сазовор бў-дишди. Кафе ресторани коллектив-ини биринчи навбатда таъини мазаги қилиб, одамларга манзур қилишга интилядилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумида меҳ-натқашларга маданий ва маънавий хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш вазифаси қўйилди. Кафе коллективни пленум қарорларини нў-та ўрганиб чиқиб, хўрадаларга қар-ра қилишди. Овқатлар аввалги ҳам сифатли пицца-саломонда, Тўй-томаш-лар учун озиқ-овқат махсулотлари етказиб бериш ҳам бу ерда яхши бўлга қўйилди.

Марҳамат, азиз хўрадалар, «Мос-ква» кафе ресторанига, унинг фили-алларига келинг, мазаги овқатлар еб, кўнглингиз хушбў бўлади.

З. МУХАММАДЖОНОВ.



Пойтахтимиз Ленин номли кўчасининг ям-яшил дараклар билан қопланган музолишида яна бир кўркам тасво қад кў-тарилди. Бу сизга тасвирлаб бе-ришдан янги кафедеги. Сурат-ларда: (чапдан) 1. «Снежок» кафе-ресторанининг бир йўла 80 киши овқатланадиган шинама зали.

2. Хўрадалар буфетдан иста-ган ширинликларини харид қи-лишлари мумкин.

В. Салов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КИШИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Савдо ходими Зокир Содиқовнинг қўли-қўлига тегамайди. Харидорлар кўп. У эса ёлғиз, Биров парчаларча гулли штапелни кўриб «қўйлақ тин-тириш яхши бўларинан» деса, яна бири кўрпаланика қайси бири яхши чинишини маслаҳат қилиб сўрайди. Харидорларнинг ҳаммасига хушму-малада бўлиш, маданий хизмат кўр-сатиш керак. Содиқов ана шундай ходимлардан. Шунинг учун ҳам бу магазинга кирган харидор бирор нарса олмай чиқиб кетмайди. Чун-

ҲАЛОЛЛИК

ни Содиқов ҳар бир харидорнинг са-волига қондиришга жавоб беради. Янгида ана шу ерда бир ходиса юз берди. Чинчи пахта тазалаш за-водининг ишчиси М. Абдуназарова шаҳарга тушиб, шу магазиндан ха-рид қилди. У харид қилган буюмлари ва 50 сўм пули билан сумкасини шу ерда қолдириб кетди. «Эгаси чиқа-са шаҳар топилмалар столига топ-шираман» хабардан ўтказди Зокир Содиқов.

Орадан беш-олти соат ўтгач, ҳали-ги аёл ранги оярган қолда магазин-га кириб келди: — Янгинам шу ерда қолмадим-нан? — Мана, сизнинг сумкангиз шу-ми? М. Абдуназарова қувониб кетди. Савдо ходими З. Содиқовга миннат-дорчилик билдирди. Соф виндонли савдо ходими З. Со-диқов «Ташкентстильшөөбобутор»га қарашли 42-магазинда харидорларга бажонидил хизмат кўрсатишда. Н. ҲАМИМОВА.



Суратда: вивагва қатнашчилари шаҳар лойиҳасини кўздан кечиришмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ТАРТИБСИЗ ҚАБУЛХОНА-ЛАР, ҚЎПОЛ МУОМАЛАЛАР

Яхши гап яхши-да. Ширин сўз-лик, хушмуомалалик ҳақиқий инсоннинг бебаҳо қисмати. Халқи-миз ҳам бу қислатни улуғлайди. Ленин кўпола муомаласи билан ки-шининг дилига озор бериб, асаби-ини бузаётган думоғдорлар ҳам йўқ эмас. Бу мақолада гап ана шунақалар устида боради. Октябрь район ЗАГС бюроси-нинг қабулхонаси. Эрталаб соат 9. Ичкарида янги туғилган чақ-лоқларни рўйхатга олиш бўлими-нинг мудир Хожияхон Аҳмедова изғирин тартиб ўтирибди. Ташка-рида эса тонг сахарлаб келган йи-ғирма чоғли ёш болалар аёллар бетиқат...

Хотинлар бирин-кетин кир-а бошлади. — Бу ер бозор эмас, биттангиз кири-нг, қолганларингиз чиқиб ке-тинг. Шундоқ ҳам бўлди. Хонада бир-киши қолди. Аҳмедова қозғоларни титиллаб, аёлнинг башарасига қа-ради. — Фамилиянгиз Ганиева эмас, Ганиева, отингиз Кумри эмас, Кумри Шундайми? — Ҳа шундай, синглим. — Бу ерда синглим-пинглим кетмайди, тушунарлими? Умуман арзангиз бўлмайди. — Нега синглим, нимаси чатоқ экан? — Ариза ҳам шунақа ёзилди-ми «қ»нинг думи йўқ, «ғ»нинг белбоғи, умуман ариза саводсиз ёзилган. Бўлмайди, бошқатдан ё-зириб келинг. — Опаки айлансин, Хожияхон, шу «ғий» ўзгурса ўзингиз белбоғ қўйиб бера қолинг, мен тагин... — Э қанақа хотинсиз ўзи. Бу ерда битта «ғ» эмас, «қ»си ҳам чатоқ. Метриканни мен эмас, сиз оласиз. Боринг бўлмайди. Аҳмедова қозғоларини зарда билан қўлга тутқазар экан, кўзи боласини овутиб турган бошқа бир аёлга тушди. — Яна келдингизми? Қанақа бе-сабр хотинсиз! Мен сизга айтдим-ку, метрика берадиган киши касал деч.

Опажон, ахир битта метрика учун сажиз қилдан бунён қатнай-ман! — Керак бўлса бир ой қатнай-ман. Тушунарлими? — Бу аёл Сағбон кўча 2-қўп, 5-уйда ишловчи Жамала Усмонова эди. У хонадон тўққизинчи бор ку-руқ қайтиб чиқди, лекин қабулхо-нада одам кўнайгадан кўнайиб бораверди. Аҳмедова эса, уларга патир-пугур жавоб бераверди. Соат ўнбирлар чамасида ўрта ёшларда-ги бир аёл кириб келди. Навбат кутиб ўтирган аёллар уни ўртага олиб, қулишган бўлишди. — Ҳай синглим. Биз тонг са-харда келиб киролмай ўтирибмиз, шу мақалда сиз нима қилиб юриб-сиз. Рўйхатга ёзилмай, бир оғиз сўраб кўранг, қабул қилганими... — Мумкинми синглим? — Ҳолияхон мумкинми? — Нима?! — Бир оғиз гап сўрасам, — Ҳўш, нима дедоқинсиз? — Мен икки ёш болани ташлаб, Гангтепа маҳалласидан келу-дим... — Халим опа Қобулованинг гапи озгина қолди. — Гангтепа бўлмай, Охактепа-дан келганингизда ҳам ортқ қа-бул қилмайман.

— Опакининг айлансин Хожия-хон синглим. Мен шихонадан атайлаб олдинроқ рўхсат олиб ке-лудим. Мана қўлимда справка ҳам бор... — Қанақа маданиятсиз хотин-сиз. Қабул қил-лол-май-ман. Энди тушунарлими? — Бу ЗАГС бюросида болади аёл-ларга қилинадиган ҳар кунги муо-маладан бир шингли. Энди, ҳаф-тада бир марта бўлса ҳам бир ва-рақайга қўлимизни қийнайдиган халқни эшитинг. — Киров район қалқ судининг на-вбатчи Богданованин тоқатсизлик билан кутиб ўтирибди. Шуниси ки-шинки, қабулхона деворларининг ички-юқи жойига «Гражданилар ар-талаб соат 9 дан 11 гача қабул қилинади» деб ёзиб ҳам қўйилган. Ленин соат 9 ярим бўлди ҳамки, Богдановадан давақ йўқ. Секретарь қиз Подзиянова эса алла-ним билан илти қиққан мол-лар, кунга неча кўрган кинофиль-ми ҳақида гап-лашиб ўтирибди. — Вақтида қабул қилмас экан, нима қилди хўжақўрсинга бунақа эълонни осиб! — деди ўтирганлар-дан бири. — Тухтагилар, бу секретарь қизга айтаялди. Рўйхатини ҳозир-ча тузаберсин. Унганча... Навбат кутиб ўтирган мўсафид, секретарь қиз ёнига яқинлашди. — Кеչирасиз қизим. — Она қизим... — Нима дейсиз. — Судья опа келгунча одам-ларни рўйхатга олиб турсангиз? — Қанақа одамсиз! Кўриб ту-рибсиз-ку, мен зайринтам. — Опоқ қизим, ахир одамлар кутиб қолди. — Кутиб қолса менга нима, По-дзиямаш, кутса меннинг учун кута-дими? — Соат стрелкаси ўндан ўтиб ўн-бирга бориб қолганида на салом бў-риб, на алик қовоқ-димого солиқ судья Богданова қабулхонага ки-риб келди. Орадан беш минут ў-тгач, секретарь қиз лабуну бориб: — Қани кимнинг навбати? — де-ди. — Бонг мўсафиди шу ондаёқ ун-га рўпара бўлди. — Нарин туринг, сиз кирмайсиз. — Нега энди кизим. Мен ахир... — Навбатингиз бўлса ҳам ба-риб киритмайман. Мен сизга биронингиз сўзубатини бўлиш қая-қалигини ўрғатиб қўяман. — Чолинг қуноби ошиб турган эканми «е», ишим шу билан бита-диган бўлса, битмай қўялқан. Секретарь оғиздан шунчалик «бол» татияпти, судьядан нима гап ашитар эканман», дегандек қа-булхонадан чиқиб кетди.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ

Округ офицерлар уйи залида СССР Гостройи Тошкент шаҳар-инчи қайта қуриш бўйича ўткази-ла Бутуниттифок ёшиқ конкур-сида тақдим этилаган лойиҳалар вивагва ошиди. Бу ерда ша-ҳарликлар ҳозирча бўлажак ту-рай-шўй биналари, меҳмонхона-лар, гастроним, кинотеатр, лабна-рият ва астироҳат боғлари, кўпа-ларчи кичкинасида бир лойиҳада қўйиб турибдилар. Яна бир неча биналар кейин эса, бу лойиҳа амалга ошган, шаҳар тубдан ўз-гаради, янчиша тус олади, чиро-қиса-чироқ қўйилади.

Л. Адамов, Ю. Халдов, М. Зо-идов, Л. Винокурева ва бошқа ўртоқлар томоқидан яратилган лойиҳа асосида шаҳар бош пла-ни қайта тузилади. Бунда Мос-ква ва Боқу архитекторлари иш-гани лойиҳа конкурсида биринчи ўринни олганлиги ҳаммаминини қувонтиради.

Республикамизнинг шонли юби-лейиша муносиб тортиқ сифатида қуриляётган янги биналар — мар-казий университет, панорама кино-театри, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биниси, Тошкент меҳмонхонаси олдидики ер ости йўллари бунларнинг ҳам-маси шаҳарнинг янги лойиҳаси-дан ўрин олади.

Янги беш-ўн йил ичида ша-ҳар тубдан ўзгаради. 10—12 ва-ундан ортқ қўп қаватли бина-лар шаҳар ҳуқуқча хуш бўлади. Бир сўз билан айтганда Тошкент чинкам кўркам ва ўзгал шаҳар-га айланади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

МОСКВАДА, ПРАКТИКАДА

Тошкент политехника институтини химия-технология факультетини бир гуруҳи студентлари ишлаб чи-қариш практикисини Ватанимизнинг марказий районларида ўтказмоқда-лар.

Силкиқтар технологияси кафедр-аси студентлари ярим йиллик прак-тикаи Москва атрофида Дудово чи-нин, Нонаковдаги Флякс заводларида ва Семукунда ўтга чиқариш буюм-лар номбинатада ўтказмоқдалар. Студен-ларнинг ҳаммаси илти ўринда туриб меҳнат қилмоқда. Студентлар практи-касига ТашПИ, старший ўқитувчиси Нурмоғ Нормухамедов раҳбарлик қилмоқда.

Қ. АҲМЕРОВ.

А П Н П О Ч Т А С И Д А Н

СПОРТГА — ЭЪТИБОР

Парламент депутатлари бир қа-тор харақатлар фанктларини мисол қилиб келтирганлар. «Профессио-наллар спортининг баланд парвози — деб ёзди депутатлар, — ахили ўртасида ҳавасорлик спортининг ва жисмоний тарбиянинг иссини пасайиб кетишига олиб келди. Италияда унинг аҳолининг ани-ги 2.5 проценти спорт билан шу-ғулланмоқда. Мамлакатнинг жа-нубий районида бу рақам 1.3 ни ташкил қилади. Спорт иро-қонлари чет эллардан футболчи-ларни сотиб олиш учун миллион-лаб лирларни сарф қилдилядилар. Италиянинг унда ёшлар нисбони-ни яхшилатиш мақсади билан спорт билан ортиб турган шунинг учун миллион-лаб лирларни сарф қилдилядилар. Италиянинг унда ёшлар нисбони-ни яхшилатиш мақсади билан спорт билан ортиб турган шунинг учун миллион-лаб лирларни сарф қилдилядилар. Италиянинг унда ёшлар нисбони-ни яхшилатиш мақсади билан спорт билан ортиб турган шунинг учун миллион-лаб лирларни сарф қилдилядилар.

ТЕАТР ВА ФУТБОЛ

ЖОНИМДАН ТЎВГАНИМ

Унбиринчи турдан кейин Гер-бий германиялик профессионал машхур спортчи, жаҳоннинг бир неча марта чемпиони бўлган Руди Альтг пойгада қатнашишдан бош тортиди. У журналистларга поғна-нинг ўтказилишидан, бу ерда хуши сураётган мухитдан қаттиқ норозилигини айтди. Финишда спортчилар бир-бирларини атайин туртиб юборадилар, кўйлагидан ушлаб қолдилар, велосипед гил-диранкалари орасига егочлар тиқиб қўйдилар, урушадилар. Бунинг ул-лаш учун, мунофот учун талашиб қилдилядилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» (ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА) — Орган Ташкентских промышленных и сельско-хозяйственных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленных, сельско-хозяйственных и городского Советов депутатов трудящихся, 25885. Мاستуа сенаторлари: редактор — 29004. Редактор уринбосари ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Курналиш ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маънавий ишлаб чиқариши бў-лими — 26232. Фан, мақтаб ва олий ўн-уш юрталари бўлими — 28761. Ах-борот ва спорт бўлими — 33786. Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

ТЕЛЕВИЗОР

29 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Будь гогол (телевизион журнал), 18.40 — Телевизион янгиликлар, 19.00 — Н. В. Гоголь. Май тунн (бадий фильм), 19.55 — Эшиттиришлар програм-маси. Ўзбек тилида: 20.00 — Ҳама спентакли (Навой номли театр-дан), танлафус вақтларда — Телевизион янгиликлар ва Чўпонлар авлоди (телевизион очерк).

ТЕАТР

НАВОЙ НОМЛИ ТЕАТРАДА — 29/VI да Ҳама, 30/VI да Кулган киши.

КИНО

ПЕТЕР — «ВАТАН» (кундуз ва кечтунн), «ИСКРА» (кундуз соат 2 дан), «СПУТНИК» (тоқ соатлар-да).

ЕЗГИ БИНОДА

Кеч соат 9-10 минут ва 10-аримда

12-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ва жойларда ишлаш учун:

радиоэлектроника, сям алоқа ва радио алоқаси усулининг монта-жа ва регуляриона қилдиш ва таърибаси бўлган инженерлар, прораблар, техниклар, мастерлар, монтаж-чилар, слайкчилар, ўқовчилар, ердამчи ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Еттиерак кўча-си, 49-уй, 2-қаватда (бинонинг 5-и қаватида) надрлар бўлимига мувожаз қилинсин (14. 29-авто-бус, 7-троллейбуоининг «Виринчи кўприк» вни «Чалонзор милиция бўлими» остановисини).

РЕМБЕЛЬГА КОМБИНАТИГА

станокчилар, дурадгорлар, ерд-амчи ишчилар, гишт терувчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чаңгитерак ма-вуа кўчаси, 37-уйда қадрлар бўли-мига урчашлиқ (43-автобуоининг «Рембель» остановисини).

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чаңгитерак ма-вуа кўчаси, 37-уйда қадрлар бўли-мига урчашлиқ (43-автобуоининг «Рембель» остановисини).

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чаңгитерак ма-вуа кўчаси, 37-уйда қадрлар бўли-мига урчашлиқ (43-автобуоининг «Рембель» остановисини).

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чаңгитерак ма-вуа кўчаси, 37-уйда қадрлар бўли-мига урчашлиқ (43-автобуоининг «Рембель» остановисини).

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Чаңгитерак ма-вуа кўчаси, 37-уйда қадрлар бўли-мига урчашлиқ (43-автобуоининг «Рембель» остановисини).